

Росуллоҳнинг ташқи қиёфалари

Шамоили Муҳаммадия китобига изоҳли ва эркин таржима

[Ўзбекча]

باب ما جاء في خلق النبي صلى الله عليه وسلم

ترجمة وتعليقات حرة على كتاب الشمائل المحمدية للترمذي

[باللغة الأوزبكية]

Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо ибн ат-Термизий

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

ترجمة: عبد الله شريف

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

مراجعة: شمس الدين درغامي

Риёз шаҳри Рабва маҳалласи диний тарғибот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1430 – 2009

islamhouse.com

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

إن الحمد لله نحمده ونستعينه ونستغفره ونعوذ بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا من يهده الله فلا مضل له ومن يضلل فلا هادي له وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له وأشهد أن محمدا عبده ورسوله يا أيها الذين آمنوا اتقوا الله حق تقاته ولا تموتن إلا وأنتم مسلمون . يا أيها الناس اتقوا ربكم الذي خلقكم من نفس واحدة وخلق منها زوجها وبث منهما رجالا كثيرا ونساء واتقوا الله الذي تساءلون به والأرحام إن الله كان عليكم رقيبا يا أيها الذين آمنوا اتقوا الله وقولوا قولا سديدا . يصلح لكم أعمالكم ويغفر لكم ذنوبكم ومن يطع الله ورسوله فقد فاز فوزا عظيما .
أما بعد:

Бутун оламлар раббиси бўлмиш Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар бўлсинки, бандаларига яхшиликни раво кўриб уларга, уларни ҳидоят сари етаклайдиган пайғамбарларини узлуксиз равишда юборди, сўнги Росули Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламни эса, нафақат башариятга, балки бутун оламга раҳмат қилиб жўнатиб, у зотни энг гўзал ахлоқ соҳиби қилиб ардоқлади, Аллоҳ таоло қуръони каримда:

وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ ﴿٤﴾ قلم 4/

Сиз улуғ хулқ устидадирсиз деб суюкли Пайғамбари Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга ато этган улкан неъматини эслатади. Дарҳақиқат, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам *"мен улуғ ахлоқларни камолига етказиш учун юборилган пайғамбарман"* деб марҳамат қилганлар, демак у зотдан кўра одоб ахлоқда устунроқ инсон бўлиши асло мумкин эмас.

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам жуда ҳам қисқа муддат ичида, башарият, тарихида мисли кўрилмаган юксак одоблар ила инсонларга намуна бўлиб, башариятни зулумат ботқоғидан ҳидоят нурига олиб чиқдилар.

Бу муборак зотга замонадош бўлиб, иймон неъматига мушарраф бўлган, Саҳобаи киромлар ҳам, инсоният оламини лол қолдирадиган гўзал ахлоқларни ҳаётга жорий қилдилар, сўнг Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бутун айтган сўз ва қилган амалларини бирор ҳарфи ёки ҳайъатини ўзгартирмаган ҳолатда ёдлаб олиб, ўзларидан кейингиларга беками-кўст етказдилар, ҳатто ўзаро оила ичида бўладиган ишларигача ўрганиб чиқиб, қазои хожатларига ҳам аҳамият бердилар. Оллоҳ улардан рози бўлсин.

Уларга эргашган тобиинлару ва табаа тобиинлар ва барча ислом уламолари ҳам бу ахлоқларни елкаларидаги омонат деб билиб қўлларидан келганича саъй ҳаркатлар қилдилар.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам нинг хулқ-атворлари ҳақида юз-юзлаб китоблар таълиф қилинди. Мана бундай олий ахлоқлар эгаси ва шу ахлоқлар ила бутун башариятга етакчилик қилган, муборак зотни одоб ахлоқлари ва хушбичим қиёфалари билан танишиш, ҳар бир мўъмин мусулмоннинг орзусидир. Чунки инсон яхши кўрган кишини кўришга, унинг сифатларини билишга ошиқиши табиий ҳол, қолаверса у зот ақидамиз асосига кўра муҳаббат қилиш вожиб бўлган пайғамбардирлар. Шунинг учун биз бу борада ёзилган китоблар орасидан ўн икки асрдан бери уламоларимиз ўқиб, ўқитиб ва ўқишга тавсия қилиб келишган имоми Термизийнинг "шамоили мухаммадия" деб номланган бир жилдлик, мухтасар китобларини дарс қилиш учун танладик, биз бу китобдаги ҳадисларни баҳоли қудрат таржима қилиб, ҳадислар шарҳида уламоларимизни қадрли ижтиҳодларидан фойдаланамиз. Аввалам бор имоми Термизийнинг таржимаи ҳоллари билан қисқача танишиб ўтсак.

У зот Термиз шаҳрида ҳижрий сананинг икки юз ўнинчи йилида туғилганлар.

Исмлари Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо ибн Саврата ибн Мусо Аттермизийдир, бу буюк олим ҳадис илми талабида Хуросон, Ироқ, Ҳижоз юртларига сафар қилганлар.

Машҳур устозларидан имоми Бухорий, имоми Муслим, имоми Абу Довудлардир.

У кишининг муаллафотлари бизга етиб келишича тўққизтадир. - дейди баъзи шарҳловчилар.

Бу аллома икки юз етмиш тўққизинчи йил ражабнинг ўн учинчи куни Термиз шаҳрида вафот этганлар.

Бу китобда имоми Термизий тўрт юз дан ортиқ ҳадис жамлаганлар. Дарсимизни бошлар эканмиз Оллоҳ таолодан сўзу-амалларимизга ихлос беришини, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам нинг гўзалликда тенги бўлмаган ахлоқларидан ўрнат олишимизни насиб этишини сўраймиз ва барчаларимизни у кишининг шафоатларидан бебаҳра қилмасин деб сўраб қоламиз. омин!!

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ташқи қиёфалари ҳақида келган ҳадислар боби.

Бу бобда 15 ҳадис мавжуд.

Имоми Термизий хулқ-атвор ҳақида сўз юритишдан аввал, бу бобга яъни жисмонан тузилишларига тўхталиб ўтишларининг сабаби ҳақида баъзи уломолар шундай марҳамат қиладилар: Инсоннинг ташқи кўриниши ички оламидан иборат масалан: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларини кўрган киши Оллоҳга қасам ичиб, унинг юзи ёлғончилар юзи эмас дер эди.

Имоми Термизий ҳам аввало қадди қомат ҳақида сўз юритишларининг сири шу бўлса керак.

Анас ибн Моликдан ривоят қилинишича айтадиларки:

1 – أخبرنا أبو رجاء قتيبة بن سعيد عن مالك بن أنس عن ربيعة بن أبي عبد الرحمن عن أنس بن مالك أنه سمعه يقول كان رسول الله ليس بالطويل البائن ولا بالقصير ولا

بالأبيض الأمهق ولا بالآدم ولا بالجعد القبط ولا بالسبط بعثه الله تعالى على رأس
أربعين سنة فأقام بمكة عشر سنين وبالمدينة عشر سنين فتوفاه الله تعالى على رأس ستين
سنة وليس في رأسه ولحيته عشرون شعرة بيضاء.

Росуллоқ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаддан ташқари баланд ҳам ва паст бўйлик ҳам бўлмаган эдилар. Юзлари ниҳоятда оппоқ ҳам эмас, қорачадан ҳам келган эмас, сочлари ўртача; қаттиқ қўнғироқ ҳам, ўта силлиқ ҳам бўлмаган. Оллоқ таоло у зотни қирқ ёшларида пайғамбар қилиб юборди.

Маккада ўн йил, Мадинада ўн йил истиқомат қилдилар, олтмиш ёшда вафот этдилар, шунда соч сақолларига йигирма дона оқ тук ораламаган эди.

Изоҳ: Баъзи муҳаддис уламолар бу ҳадис маккада ўн уч йил истиқомат қилганликларини ифодаловчи саҳиҳ ҳадисларга хилоф бўлганлиги учун шоз бўлиб заифлик ҳукмини олади десалар, бошқалари эса, йўқ, ровий араблардаги жабр ва каср қондасига кўра ҳисобга тўғри қилиб, ортигини ҳазф қилиб ривоят қилган – дейдилар. Шунга кўра ҳадисда танқидга ўрин йўқ.

Имом ибн Ҳажар Ҳайтабий бу ҳадиснинг шарҳида шундай дейдилар: Росулulloқ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг жисмларидаги гўзаллик бирор-бир инсоннинг баданида жамланмаган деб эътиқод қилиш, иймон камолатидан эканлигини яхшилаб билиб ол, чунки ташқи чирой ички чиройдан аломатдир, шубҳасиз ички гўзаллик ва ахлоқда у зотга ҳеч ким тенг эмас. Шунингдек ташқи гўзалликда ҳам баробар бўлиши асло мумкин эмас.

Анас ибн Молик дан ривоят қилинади айтадиларки:

2 – حدثنا حميد بن مسعدة البصري حدثنا عبد الوهاب الثقفي عن حميد عن أنس بن مالك قال قال رسول الله ربه ليس بالطويل ولا بالقصير حسن الجسم وكان شعره ليس بجعد ولا سبط أسمر اللون إذا مشى يتكفأ

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам ортиқча баланд ва жуда паст бўлмай, балки ўрта бўй эдилар. Сочлари қаттиқ қўнғироқ ҳам эмас, жуда силлиқ ҳам эмас. Юзлари бугдой ранг эди. агар юрсалар олдинга мойил бўлиб юрардилар.

Изоҳ: Уламолар бошқа кўп саҳиҳ ривоятларга суяниб ровий Росулulloқ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларини оқлигида шубҳа қилмайди, лекин бу ерда бугдой ранг деб сифатлашидан мақсад қизилга мойил оқликдир, чунки баъзилар юзлари оппоқ яъни ўта оқлик билан сифатлаб но тўғри ривоят қилаётганларини эшитиб қолиб, шу нотўғри тушунчани бартараф этиши мақсадида муболага билан бугдой ранг эди. Деган.

Баро ибн Озидан ривоят қилинади айтадилар:

3 – حدثنا محمد بن بشار يعني العبدى حدثنا محمد بن جعفر حدثنا شعبة عن أبي اسحاق قال سمعت البراء بن عازب يقول كان رسول الله رجلاً مربوعاً بعيد ما بين المنكبين عظيم الجمة الى شحمة أذنيه عليه حلة حمراء ما رأيت شيئاً قط أحسن منه

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўрта бўйлик, ўрта сочлик, икки елка оралиғи кенг, сочлари ён тарафдан қулоқ юмшоғига тушган, орқадан эса елкага етиб-етмаган эди. Эгниларида қизил ридо ва изор бор эди. У кишидан чиройлироғини кўрмаганман.

Изоҳ: Ридо елкадан белгача кийиладиган кийим, изор эса белдан пастга ўраладиган матодир.

Баро ибн Озибдан ривоят қилинади у киши айтадиларки:

4 – حدثنا محمود بن غيلان حدثنا وكيع حدثنا سفيان الثوري عن أبي اسحاق عن البراء بن عازب قال ما رأيت من ذي لمة في حلة حمراء أحسن من رسول الله له شعر يصرب منكبيه بعيد ما بين المنكبين لم يكن بالقصير ولا بالطويل

Қизил ридо ва изорда сочи қулоғининг юмшоғидан ўтган, Росулulloҳдан кўра чиройлироқ инсонни кўрмаганман, сочлари елкаларига тушарди, икки елка оралиғи кенг, паст ҳам ва ўта баланд ҳам эмас эдилар.

Алий ибн аби Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади айтадиларки:

5 – حدثنا محمد بن اسماعيل حدثنا ابو نعيم حدثنا المسعودي عن عثمان بن مسلم بن هرمز عن نافع بن جبير بن مطعم عن علي بن ابي طالب رضي الله عنه قال لم يكن النبي بالطويل ولا بالقصير شثن الكفين والقدمين ضخم الرأس ضخم الكراديس طويل المسربة إذا مشى تكفأ تكفؤاً كأنما يخط من صبب لم أر قبله ولا بعده مثله

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаддан ортиқча баланд ва ўта паст бўйлик бўлмаганлар, қўл ва оёқ бармоқлари бўлиқ-бўлиқ, бошлари катта, икки тирсак ва тизза суяклари йўғон эди.

Кўкрак ўртасидан киндикларигача узун чизиқ шаклда туклар бор эди, юрганларида худди тепа қиялиқдан тушиб келаётгандек, олдинга мойил бўлиб юрардилар у кишининг ўхшашини у кишидан аввал ҳам кейин ҳам кўрмадим.

Олтинчи ҳадис ҳам бешинчи ҳадис билан бир хил маънода бўлганлиги сабаб, уни такрорламадилар.

7 - حدثنا أحمد بن عبدة الضبي البصري وعلي بن حجر وأبو جعفر محمد ابن الحسين وهو ابن ابي حليمة والمعنى واحد قالوا حدثنا عيسى بن يونس عن عمر ابن عبد الله مولى غفرة قال حدثني ابراهيم بن محمد من ولد علي بن ابي طالب رضي الله عنه قال كان علي إذا وصف رسول الله قال لم يكن رسول الله بالطويل الممغط ولا بالقصير المتردد وكان ربعة من القوم لهم يكن بالجعد القبط ولا بالسبط كان جعدا رجلا ولم يكن بالمطهم ولا بالمكثم وكان في وجهه تدوير أبيض مشرب أدعج العينين أهدب الأشفار جليل المشاش والكتد اجرد ذو مسربة شثن الكفين والقدمين اذا مشى تقلع كأنما ينحط في صيب واذا التفت التفت معا بين كفيه خاتم النبوة وهو خاتم النبيين أجود الناس صدرا وأصدق الناس لهجة وألينهم عريكة وأكرمهم عشيرة من رآه بديهة هابه ومن خالطه معرفة أحبه يقول ناعته لم أر قبله ولا بعده مثله

Агар Алий ибн Аби Толиб Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни таърифлайдиган бўлсалар айтар эканларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам баланд ҳам паст бўйлик ҳам бўлмайд ўрта қомат эдилар.

Сочлари ҳам ўртача, юзлари сергўшт ҳам эмас, тўла ҳам бўлмайд, балки бир оз доира шаклда бўлиб, қизилга мойил оқ эди, икки кўзларининг қорачиғи тим қора, киприклари узун ва зич эди.

Икки елка тирсак ва тизза суяклари келишган, сийналаридаги туклар киндикгача етиб келиб, қорин ва кўкрак атрофида туклар йўқ эди, икки кафт ва икки оёқ, қадам босар ўрни катта суякли эди. Агар юрсалар худди тепа қияликдан тушиб келаётгандек оёқларини ердан узиб олардилар. (яъни оёқларини судраб юрмас эканлар) Агар атрофларига қарамоқчи бўлсалар, бутун жисмлари билан бурилиб қарар эдилар, икки кураклари ўртасида пайғамбарлик муҳри бор эди. У киши пайғамбарлар сўнгиси, бағри кенг, ростгўй, мулойим, саховатли бўлиб, у кишига қўққис назари тушган киши ҳайбатланар, муомала қилган яқин дўст қилиб олар эди.

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни сифатлаган киши мен у кишининг мислларини у кишидан аввал ҳам кейин ҳам кўрмадим. - дейди.

Изоҳ: Ҳадисларда баъзи сифатлар такрор бўлиб келган бўлсада, ҳаммаси бирма-бир зикр қилиниши фойдадан холий эмас. Муҳаддис олимларимиз "бир хил сифатни кўпчилик ривоят қилиши ўша сифатни саҳиҳлик даражасини оширади" - дейдилар.

Манашу ерда биринчи дарсимизга яқун ясаб, Аллоҳ таолодан ушбу дарсимизни фойдали ва давомий бўлишини сўраймиз.

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين ..